

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

---

**БАЗАРБАЕВ АКМАЛ МУРАТОВИЧ**

**XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА МИРЗАЧЎЛДА  
АГРАР МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

УЎК: 94(575.1):338.431(043.3)

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Базарбаев Акмал Муратович**

XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўлда аграр муносабатлардаги ўзгаришлар .....3

**Базарбаев Акмал Муратович**

Изменения в аграрных отношениях в Мирзачуле в конце XIX – начале XX веков .....25

**Bazarbaev Akmal Muratovich**

Changes in agrarian relations in Mirzachul at late 19<sup>th</sup> and early 20<sup>th</sup> centuries ....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of publications** .....51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**БАЗАРБАЕВ АКМАЛ МУРАТОВИЧ**

**XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА МИРЗАЧЎЛДА  
АГРАР МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tar136 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzhistory.uz](http://www.uzhistory.uz)) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаев Ровшан Маджидович**  
тарих фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Маҳкамова Нодира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори

**Мусаев Нуриддин Умрзакович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc.06.01.2018. Tar.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй, Тарих институти. 2-қават Мажлислар зали). Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91); e-mail: [info@uzhistory.uz](mailto:info@uzhistory.uz). Тарих институти).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси 13-уй).Тел: (99871) 262-74-58; факс:(+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси билан).

**А. С. Сагдуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор, академик.

**М. Х. Пайзиева**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

**С. С. Агзамходжаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий  
семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** XIX аср охири – XX аср бошларида жаҳон мамлакатлари иқтисодиёти аграр тармоқ билан боғлиқ бўлган. Бугунги кунда ҳам жаҳон аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Жумладан, 70 фоиз жаҳон аҳолисининг даромад манбаи аграр тармоқнинг улушига тўғри келади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ривожланаётган мамлакатларнинг асосий иқтисодий даромади ҳисобланиб, мамлакат экспортининг катта қисмини ташкил этади.

Жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида деҳқончилик ва чорвачиликнинг аҳволи, уларнинг ривожланиш тарихи масалаларига доир илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, аграр муносабатларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатлари ҳамда уларнинг тарихий ривожланиш хусусиятлари тадқиқ этилган. Жаҳон миқёсидаги мазкур илмий изланишлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг янги турларини яратиш, ер ва сувдан фойдаланиш бўйича илмий янгиликлар қўлга киририлган.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидаёқ иқтисодиётнинг муҳим тармоғи саналган аграр соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратила бошлади. Аграр соҳани ривожлантириш мақсадида ўтган йиллар давомида тармоқнинг замонавий моддий-техник базаси шаклланди ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг савдоси ҳамда ўзаро тажриба алмашиш учун халқаро ҳамкорликка кенг йўл очиб берилди. Зеро, «Ҳаракатлар стратегияси»да иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш каби» масалалар белгилаб қўйилган<sup>1</sup>. Мазкур вазифаларни бажариш учун ўтмишда аграр соҳада катта ўрин тутган илғор анъаналарни ўрганиш ва улардан унумли фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон ҳамда 2017 йил 4 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5134-сон Фармонларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107036](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036)

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур мавзуга оид тадқиқотларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: 1) Россия империяси ҳукмронлиги даврида яратилган асарлар; 2) Совет даврида чоп этилган адабиётлар; 3) Мустақиллик йилларидаги тадқиқотлар; 4) Хорижий нашрлар.

Биринчи гуруҳга доир адабиётларни мустамлака даврида яратилган тадқиқотлар ташкил этиб, уларда Мирзачўлнинг табиати, иқлими<sup>2</sup> ҳамда аҳолисининг сони ва этник таркиби<sup>3</sup> тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топган. Бундан ташқари, ушбу турдаги нашрларда Мирзачўлда ер-сув муносабатлари<sup>4</sup>, янги каналлар очилиши ва ўзлаштирилган ерларда қишлоқ хўжалигининг аҳволи<sup>5</sup> ҳақидаги маълумотлар батафсил ёритилган. Шунингдек, Россия империяси даврида чоп этилган энциклопедияларда ҳам Мирзачўл ҳақида қисқача маълумотлар бериб ўтилган<sup>6</sup>.

Иккинчи гуруҳдаги адабиётларга совет ҳокимияти йилларидаги тадқиқотлар кириб, мавзуга оид бир қатор мақола, рисола ва адабиётлар нашр этилган. Мазкур тадқиқотлар коммунистик мафкура таъсирида синфийлик нуқтаи-назаридан ёзилган бўлса-да, улар муҳим фактологик маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Шунини айтиш жоизки, совет даврида Мирзачўлнинг XIX аср охири – XX аср бошларига оид тарихи 1950 - йилларгача эътибордан четда қолиб келган. 1956 йилда совет ҳукумати томонидан Мирзачўлни ялпи ўзлаштириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган, ҳудуд тарихини ўрганишга эътибор кучаяди<sup>7</sup>. Бу тадқиқотларнинг аксариятида ҳудудни ўзлаштириш билан боғлиқ жараёнлар ёритилган<sup>8</sup>. Бундан ташқари, совет даври нашрлари орасида Мирзачўлда Россия империясининг кўчириш сиёсати ҳамда ҳудудда рус қишлоқларининг ташкил топиши маса-

---

<sup>2</sup> Колокольцов Д.Г. Экспедиция в Хиву в 1873 году: от Джизака до Хивы. (Походный дневник). – Санкт-Петербург, 1873; Маев Н. Джизак и Самарканд // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. II. – С.-Петербург, 1873. – С.269-288.; Смирнов Е. Сырдарьинская область. – Санкт-Петербург, 1887; Арандаренко А. Досуги в Туркестане. – Санкт-Петербург, 1889; Марков Е. Россия в Средней Азии: Очерки путешествия по Закавказью, Туркмении, Бухаре, Самаркандской, Ташкентской и Ферганской областям, Каспийскому морю и Волге. – Санкт-Петербург, 1901; Пельца В. Очерк Южных Кызыл-кумов. – Самарканд, 1912.

<sup>3</sup> Котуренко М. О населенных местах Джизакского уезда // Статистические сведения по Сырдарьинской области. Выпуск 1, Часть 3. – Ташкент, 1872; Состав народонаселения Сырдарьинской области по племенам // Статистические сведения по Сырдарьинской области. Выпуск 1, Часть 3. – Ташкент, 1872; Вирский М. Статистические сведения городам и волостям уездов Самаркандской области за 1897 г. // Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск VI. – Самарканд, 1899.

<sup>4</sup> Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – Санкт-Петербург, 1908. – 512 с.

<sup>5</sup> Курсиш А. Голодная степь. Очерк работ по орошению северо-восточной её части. – Санкт-Петербург, 1913. – 70 с.; Купласт А.П. Орошенные земли в Голодной степи. – Полтова, 1914. – 70 с.; Караваяев В.Ф. Голодная Степь в ее прошлом и настоящем. Статистико-экономический очерк. – Санкт-Петербург: Типо-Литография Н.Л.Нарькина, 1914. – 253 с.

<sup>6</sup> Голодная Степь // Энциклопедический словарь. Под ред. Проф. И.Е.Андреевского. 1890-1907. Т.9. – Санкт-Петербург: Ф.А. Брокгауз, И.А.Ефрон, 1893. – С. 101.

<sup>7</sup> Мирзаева Н.Д. XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўл воҳасидаги рус қишлоқлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи.: Тарих фан. номзод. дисс. – Гулистон, 2011. – Б. 9.

<sup>8</sup> Нуриддинов З.Р. Мирзачўл ўтмиши ва ҳозир. – Тошкент, 1957; Жалилов Х.М. Мирзачўл ва уни ўзлаштириш. – Тошкент, 1957; Абдунабиев А.Ф. Мирзачўлни ўзлаштириш тарихидан. – Тошкент, 1959; Эгамбердиев Р.С. Мирзачўлнинг табиати ва ўзлаштирилиши. – Тошкент: Ўз.КП МК наш., 1964. – 36 б.; Ўша муаллиф. История мелиорация в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1965. – 70 с.; Ўша муаллиф. Осуществление ленинских идей об орошении и освоении Голодной степи. – Ташкент: Фан, 1969, - 179 с.; Р.С.Игамбердиев, А.А.Раззаков. История мелиорации в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1978. – 183 с.; Ўша муаллифлар. Ўзбекистонда кўрик ерлари суғориш, ўзлаштириш ва мелиорациялаш тарихи (Мирзачўл мисолида). – Тошкент: Фан, 1984. – 288 б.

ласини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ўрин олган<sup>9</sup>.

Мустақиллик йилларида яратилган адабиётларда мустамлака тизимининг моҳиятини очиб беришга катта аҳамият берилди<sup>10</sup>. Хусусан, XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўлни ўзлаштирилиш жараёни<sup>11</sup>, вужудга келган рус кишлоклари<sup>12</sup> ва худуднинг демографик ҳолати<sup>13</sup> каби масалалар атрофлича ёритилди. Бундан ташқари, охириги йилларда Мирзачўлнинг тарихий номларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар юзага кела бошлади<sup>14</sup>.

Хорижий тадқиқотчиларнинг мавзуга доир нашрларининг аксариятида худуднинг ўзлаштирилиши ва бу ерда янги каналларнинг вужудга келиш жараёнларига доир масалалар баён қилинади<sup>15</sup>. Шунингдек, хорижий тадқиқотчилар томонидан Мирзачўлнинг иқтисодий ва сиёсий алоқалари масаласи ҳам тадқиқ қилинган<sup>16</sup>.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ҳамда Германиядаги Мартин Лютер Университетининг Шарқшунослик институти ҳамкорлигида амалга оширилган ФТК – 06/2011 «Архивлар овози: Ўрта Осиёнинг совет давригача бўлган ижтимоий тарихдан очерклар» (2011-2014) мавзусидаги халқаро илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўлдаги аграр муносабатлар, мазкур соҳадаги анъаналар ва унда рўй берган ўзгаришларни очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Мирзачўлдаги аграр муносабатлар тарихига оид тадқиқотларни таҳлил

---

<sup>9</sup> Гинзбург А.И. Переселенческий вопрос в Туркестане (конец XIX – начало XX вв.): Автореф. дис. канд. ист. наук. – Ташкент, 1966. – 26 с.; Касимов Н. Прогрессивное значение образования русских поселков в Ходжентском уезде. – Душанбе: Дониш, 1968. – 152 с.; Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в XIX – начало XX века. – Ташкент: Фан, 1983. – 128 с.

<sup>10</sup> Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Тошкент: Шарқ, 2006. – 352 б.

<sup>11</sup> Ашурбоева З.К. XIX аср охири – XX аср ўрталарида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши.: Тарих фан. номзод. дисс. ... автореферати. – Тошкент, 2008. – 26 б.

<sup>12</sup> Мирзаева Н.Д. XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўл воҳасидаги рус кишлоклари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи.: Тарих фан. номзод. дисс. – Гулистон, 2011. – 160 б.; Ўша муаллиф. Мирзачўлнинг ўтимиш тарихи. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2016. – 136 б.

<sup>13</sup> Алибеков У. XIX аср охири – XX аср бошларида Сирдарё вилояти демографияси // Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: Тарих ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2007. – Б. 17-20.

<sup>14</sup> Шодиев Э. «Мирзачўл» топонимининг келиб чиқиши ҳақида мулоҳазалар // Илм сарчашмалари. – 2012. – № 6. – Б.88-91.

<sup>15</sup> Ian M. Matley. The Golodnaya Steppe: A Russian irrigation venture in Central Asia // Geographical review. - Vol. 60, No. 3. – Jul., 1970. - P.328-346; Muriel Joffe. Autocracy, Capitalism and Empire: the politics of irrigation // Russian Review. – Vol. 54, No. 3. – Jul., 1995. – P. 365-388; Maya Peterson. Technologies of rule: Empire, water, and Modernization of Central Asia, 1867-1941. PhD dissertation. Harvard University. – Cambridge, Massachusetts, 2011. – P.105-164.

<sup>16</sup> Holzwarth W. Relations between Uzbek Central Asia, The Great Steppe and Iran // In Shifts and drafts in nomad-sedentary relations. – Wiesbaden, 2005. – P. 179-217; Morrison A.S. Russian rule in Samarkand 1868-1910: A comparison with British India. – Oxford, 2008. – 364 p.; Ueda Akira. How did the nomads act during the 1916 revolt in Russian Turkistan? // Journal of Asian Network for GIS-based historical studies. – Vol.1. – Nov.2013. – P. 33-44.

қилиш ва умумий хулосалар бериш, шунингдек, воҳанинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаёти тўғрисида янги маълумотлар берувчи тарихий ҳужжатлар ва бошқа турдаги манбаларни илмий муомалага киритиш;

ҳудуднинг деҳқончилик ва чорвачилик хусусиятларини ёритиб бериш ҳамда Мирзачўлдаги ер турлари ва уларнинг нарх-навосини қиёсий таҳлил этиш;

мустамлака даврида аграр соҳада рўй берган ўзгаришлар ва бунинг оқибатида вужудга келган муаммоларни ўрганиш;

Мирзачўлда вужудга келган янги маъмурий-ҳудудий бирликларнинг ҳолатини тадқиқ этиш ва уларнинг аграр муносабатларга таъсирини кўрсатиш;

ўрганилаётган ҳудуднинг маҳаллий сув манбалари ва каналлар қазииш ишларини тадқиқ қилиш ҳамда шу орқали Мирзачўлдаги сувдан фойдаланиш тизимидаги анъана ва янги тартибларни ёритиб бериш;

мустамлака тартибларининг аграр муносабатларга таъсирини таҳлил этиш ва Россия империяси даврида воҳада анъанавий ердан фойдаланиш тартибининг ишлаш жараёнини очиб бериш;

Мирзачўлда чорвачиликнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш ҳамда мустамлака даврида бу соҳадаги ўзгаришларни кўрсатиб бериш;

деҳқончилик ерларининг миқдори ва унда экилган экин турларини тадқиқ этиш, шунингдек, экин турларининг даврдан даврга ўзгариш эволюциясини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объектини** XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўлдаги аграр муносабатлар тарихи ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Россия империяси аграр сиёсатининг ер муносабатларига таъсири ва анъанавий хўжаликдаги ўзгаришлар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида микротарих (*microhistory*), статистик таҳлил (*statistical analysis*) ва қиёсий таҳлил (*comparative analysis*) каби усуллардан фойдаланилди. Микротарих оддий аҳолининг кундалик ҳаётини тасвирлаб беришга қаратилган тадқиқот йўналишидир. Шу сабабли, бу усул орқали деҳқон ёки чорвадорлар ва мустамлака амалдорлари ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар масаласи таҳлил этилди. Ишда даврий ва географик нуқтаи назаридан ер миқдори, уларнинг нарх-навоси ва чорва миқдори статистик таҳлил орқали кўрсатиб берилди. Шунингдек, тадқиқотда Мирзачўлдаги аграр муносабатлар Туркистоннинг бошқа ҳудудларидаги аграр муносабатлар билан қиёсий таҳлил қилинди ва шу орқали воҳанинг аграр соҳадаги ўзига хос хусусиятлари очиб берилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XIX аср охирида Мирзачўл ҳудудидаги илгари ўзлаштирилмаган ерларнинг мустамлака маъмурияти мулкига ўтказилиши, уларда суғориш тизимининг йўлга қўйилиши натижасида ердан фойдаланиш имкониятининг кенгайганлиги каби омиллар туфайли ер нархлари тадрижий равишда ошиб борганлиги аниқланиб, уларнинг ўзгариш динамикаси очиб берилган;

ердан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш масаласини назорат этишда



анъанавий ислом қонунчилигидан мустамлака тартибларига ўтилиши сабабли ерга эгалик муносабатларини тўлиқ хужжатлаштириш талаб қилинганлиги кўрсатиб берилган;

Мирзачўл худудидаги маҳаллий чорвадорлар илгари эркин фойдаланиб келган яйловларнинг XX аср бошларидан мустамлака маъмурияти тасарруфига ўтиши сабабли ўз чорваларини боқиш учун ҳукуматдан рухсат олишга мажбур бўлганликлари, ердан фойдаланганликлари эвазига белгиланган миқдорда ҳақ тўлаганликлари аниқланган;

Мирзачўлга замонавий қишлоқ хўжалик техникаларининг кириб келиши ҳамда экин навларининг иқлимга мослаштирилган турлари яратилиши оқибатида экин турлари сифатининг яхшиланиши ва ҳосил миқдорининг ўсиш кўрсаткичларидаги ўзгаришлар очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг аграр соҳага таъсири Ватан тарихшунослигида илк бор 1870-1917 йиллар доирасида Мирзачўл мисолида тадқиқ этилиб, илмий изланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Мирзачўлдаги аграр муносабатлар тарихига доир архив хужжатлари, қўлёзмалар ва даврий матбуот материаллари асосида Ўзбекистонда аграр муносабатлар тарихини ўрганишнинг назарий концептуал асослари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий иш аграр муносабатлар масаласига доир архив хужжатлари, расмий ҳисоботлар, даврий матбуот материаллари ҳамда қўлёзмалар асосида ёзилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви<sup>17</sup> ҳамда Россия давлат тарих архивидаги<sup>18</sup> араб имлосидаги эски ўзбек тили ва форс тили, шунингдек, рус тилида ёзилган хужжатлардан фойдаланилди. Бундан ташқари, Россия<sup>19</sup>, Германия<sup>20</sup>, Австрия<sup>21</sup> ва АҚШ<sup>22</sup> каби давлатлар кутубхоналарида сақланаётган инглиз ва рус тилидаги илмий адабиётлардан фойдаланилди. Манбалар турининг кенглиги тадқиқотда қўйилган масалаларни қиёсий таҳлил этиш имконини бериш билан бирга, тадқиқот натижаларининг ишонччилигини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ўзбекистонда аграр муносабатлар тарихига оид тарихий тадқиқот усуллари ҳамда ер ва сувдан фойдаланиш тарихига доир маълумотларни бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ҳамда ер ва сувдан фойдаланишга

---

<sup>17</sup> Туркистон генерал-губернаторлиги канцелярияси (И. 1-фонд); Туркистонда ер ва давлат мулки бошқармаси (И. 7-фонд); Самарқанд вилоят бошқармаси (И. 18-фонд); Жиззах уезди бошқармаси (И. 21-фонд).

<sup>18</sup> Туркистонни суғориш лойиҳасини тузиш бўйича тадқиқот ишлари (432-фонд); Сенатор К.К.Паленнинг Туркистон ўлкасида олиб борган тафтиши (1396-фонд).

<sup>19</sup> Россия Миллий кутубхонаси; Россия Фанлар Академияси Шарқ Қўлёзмалари институти кутубхонаси.

<sup>20</sup> Мартин Лютер университети Шарқшунослик институти кутубхонаси.

<sup>21</sup> Австрия Фанлар Академияси Эроншунослик институти кутубхонаси.

<sup>22</sup> Индиана университети кутубхонаси.

доир давлат дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўлда аграр муносабатлар масаласига доир олинган илмий натижалар ва амалий таклифлардан:

Мирзачўлдаги ер-сувдан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва ариқларнинг аҳволига доир хужжатлар ҳамда фотожамланмалардан Сирдарё вилояти тарихи ва маданияти музейи экспозицияларини яратишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 14 майдаги 01-11-08-1867-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар Мирзачўлнинг тарихи, деҳқончилик маданияти ва ҳудуд ирригациясининг ўзига хос томонлари ёритилган фотосуратлар ва архив манбалари асосида янги экспозицияларнинг яратилиши ва кенг оммага тақдим этиш имконини берган.

1860-1917 йилларда Ўзбекистон ҳудудида ердан фойдаланиш ва ер эгаллиги шакллари тўғрисидаги илмий натижа ва маълумотларидан ЎзР ФА Тарих институтида 2012-2013 йилларда бажарилган «Ўзбекистон Россия империяси мустамлакачилиги даврида (1860-1917 йиллар). 1-жилд.» мавзусидаги инновацион лойиҳанинг «Анъанавий иқтисодиётдаги ўзгаришлар ва унинг мустамлака манфаатларига мослаштирилиши» бобини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 18 майдаги 3/1255-1292-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида аграр муносабатлардаги анъаналар ва ундаги зиддиятли ўзгаришларни аниқлаш, уларнинг сабаб ва оқибатларини ҳолисона баҳолашга хизмат қилди.

Мирзачўл ҳудудидаги маҳаллий сув манбалари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ва ариқлардан фойдаланиш тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Дунё бўйлаб» телеканали орқали намойиш этилган «Сув ёқалаб» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси «Dunyo bo'ylab» телеканали давлат унитар корхонасининг 2018 йил 9 апрелдаги 08-14-188-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши телетомошабинларнинг XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистондаги, жумладан, Мирзачўлдаги ирригация тизимининг ўзига хос жиҳатлари, сув иншоотларининг тузилиши ва ариқларнинг мавсумий ҳолати хусусидаги тасаввурларини бойитишга хизмат қилди.

XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўлда аграр муносабатлар тарихига доир илмий хулосалардан АҚШдаги Питтсбург университети Тарих факультетининг ўқув жараёнида фойдаланилмоқда. Шунингдек, 2017 йил 13 апрелда мазкур университет илмий изланувчиларига диссертация хулосалари асосида маъруза қилинди (Питтсбург университетининг 2018 йил 17 майдаги маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши хорижда Ўзбекистон тарихини тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари жами 15 та нашр қилинган ишларда, жумла-

дан, ОАК рўйхатидан ўрин олган республика, шунингдек, хориж журналларида чоп этилган 7 та мақола, 8 та илмий тўплам ҳамда конференция материалларида ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертация матнининг умумий ҳажми 153 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Шунингдек, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги баён қилиниб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар бериб ўтилган.

Диссертациянинг «**Мирзачўлда табиий шароит, маъмурий-худудий бирликлар ва уларнинг аграр муносабатларга таъсири**» деб номланган биринчи бобнинг *биринчи параграфида* XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўлнинг табиий-географик ҳолати ва аҳолининг ҳўжалик турмуш тарзи таҳлил қилиниб, ҳудуд деҳқончилиқ ва чорвачилиқ учун қулай бўлганлиги очиб берилган.

XIX асрда Мирзачўл деганда Тошкент-Самарқанд почта йўлида жойлашган Жиззах ва Сирдарё оралиғидаги ҳудудлар тушунилган<sup>23</sup>. XIX аср охири – XX аср бошларида мазкур ҳудуднинг катта қисми Жиззах уезди ва кичик қисми Хўжанд уездининг таркибида бўлган. Бу даврда мазкур текислик турли хил номлар билан аталган. Чунончи, бу жой маҳаллий аҳоли томонидан Мирзачўл<sup>24</sup>, Жиззах чўли, Чиноз чўли, Жиззах-Чиноз чўли, Мурзаработ чўли каби номлар билан аталган бўлса, «Голодная Степь» номи Россия империяси амалдорлари томонидан ишлатилган<sup>25</sup>.

Ҳозирги пайтда Мирзачўл деганда Ўзбекистоннинг Жиззах, Сирдарё вилоятлари, Қозоғистоннинг Жанубий Қозоғистон вилояти ва Тожикистоннинг Зафаробод тумани ҳудудларида жойлашган ерлар тушунилиб<sup>26</sup>, у Сирдарё, Қизилқум, Нурота ва Туркистон тоғ тизмалари оралиғидаги ҳудудларни ўз ичига олади.

<sup>23</sup> Голодная Степь // Энциклопедический словарь. Под ред. Проф. И.Е. Андреевского. 1890-1907. Т.9. – Санкт-Петербург: Ф.А. Брокгауз, И.А.Ефрон, 1893. – С. 101.

<sup>24</sup> Бу атама ҳудуднинг қадимги номи бўлиб, ушбу сўз бир қанча маъноларни англатган. Бу тўғрисида батафсил қаранг: Шодиев Э. «Мирзачўл» топонимининг келиб чиқиши ҳақида мулоҳазалар // Илм сарчашмалари. – 2012. – № 6. – Б.88-91.

<sup>25</sup> О проекте орошения Джизакской степи // Туркестанские ведомости. – 1871. – № 27; Schuyler E. Turkistan. Vol. 1, – London, 1876. – P. 226-227; Смирнов Е. Сырдарьинская область. – Санкт-Петербург, 1887. – С. 122; Арандаренко А. Досуги в Туркестане. – Санкт Петербург, 1889. – С. 244.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 599.

XIX аср охири – XX аср бошларидаги Мирзачўлнинг табиий шароити тўғрисидаги маълумотлар ҳудуддан ўтган шахсларнинг эсдаликлари ва хотираларида тасвирлаб ўтилган. Манбаларда келтирилишича, тоғолди ҳудудлар ва ариқларнинг ёнларида шудгор ерлар мавжуд бўлган ҳамда баҳорда яйловларда саноксиз қўйлар, отлар ва туялар уюри ўтлаб юрган. Бироқ май ойида қуёш нури таъсирида ушбу майсалар сариқ тусга кирган ҳамда манзара бутунлай ўзгарган<sup>27</sup>. Мирзачўлда кучли ёмғир ёққандан сўнг ҳароратнинг исиши кузатилган<sup>28</sup>.

Қадимдан Мирзачўлнинг маълум қисмларида деҳқончилик ерлари мавжуд бўлган. Туркистон тоғ тизмалари ва Сирдарёдан келадиган турли хил жинслар Мирзачўл тупроқларининг унумдорлигини оширган<sup>29</sup>.

Мирзачўлни тадқиқ этган ёки ҳудудда содир бўлган маълум жараёнларни ўрганган олимлар бу ерни қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик мавжуд бўлган ҳудуд сифатида баҳолаганлар<sup>30</sup>. Шунингдек, П.П. Шубинский 1897 йилда «ушбу жой узоқ даврдан буён Ўрта Осиёнинг деҳқончилик қилинадиган ва ҳосилдор воҳаларидан бири ҳисобланган»лигини қайд этади<sup>31</sup>.

XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўл ҳудудида турли қабила ва уруғлар яшаган бўлиб, улар асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. 1897 йилда Мирзачўлнинг Жиззах уезди ҳудудида 222 683 нафар киши яшаган бўлса, шундан 208 412 нафар кишининг турмуш тарзи қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлган. Бошқача айтганда, 37 775 нафар эркак ва 658 нафар аёл қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган, қолган оила аъзолари, яъни 74 056 нафар эркак ҳамда 95 923 нафар хотин-қизлар ушбу шахслар қарамоғида бўлган. Бундан ташқари, 630 нафар эркак ва 3 нафар аёл чорвачилик билан шуғулланган<sup>32</sup>.

Мазкур бобнинг *иккинчи параграфида* XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўлдаги қудуқлар, ариқлар ва каналлар ҳамда маҳаллий аҳолининг сув иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш жараёнлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, Россия империяси биринчи навбатда маҳаллий ариқлар излари орқали канал қаздириш ва шу орқали сув чиқаришга ҳаракат қилганлиги очиқ берилган.

<sup>27</sup> Колокольцов Д.Г. Экспедиция в Хиву в 1873 году: от Джизака до Хивы. (Походный дневник). – Санкт-Петербург, 1873. – С. 383; Смирнов Е. Сырдарьинская область. – Санкт-Петербург, 1887. – С. 122; Голодная Степь / Энциклопедический словарь. Под ред. Проф. И.Е. Андреевского. 1890-1907. Т.9. – Санкт-Петербург: Ф.А. Брокгауз, И.А.Ефрон, 1893. – С. 101; Марков Е. Россия в Средней Азии: Очерки путешествия по Закавказью, Туркмении, Бухаре, Самаркандской, Ташкентской и Ферганской областям, Каспийскому морю и Волге. Том 1. – Санкт-Петербург, 1901. – С. 432-437.

<sup>28</sup> Туркестанское сельское хозяйство. – 1907. – №5. – С.426.

<sup>29</sup> Мирзачўлдаги тупроқларнинг хусусиятлари ҳақида батафсил қаранг: Абдушукурова З.З. Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларнинг агрофизикавий хоссалари ва туз тартиботи (Жиззах чўли шимоли-ғарбий қисми мисолида). Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2018. – Б. 27-32.

<sup>30</sup> О проекте орошения Джизакской степи // Туркестанские ведомости. – 1871. – № 27; Арандаренко А. Досуги в Туркестане. – Санкт-Петербург, 1889. – С.244-245.

<sup>31</sup> Голодная степь, 1867-1917: История края в документах. – Москва, 1981. – С.185.

<sup>32</sup> Первая всеобщая перепись населения Российской империи, 1897 г. LXXXIII. Самаркандская область. – Санкт-Петербург, 1905. – С. 126-127.

XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўлда қудуқлар инсонлар ва чорвани сув билан таъминлайдиган асосий манба ҳисобланган. Худудда қудуқларнинг жойлашув географияси ҳар хил бўлган. Жумладан, айрим жойларда қудуқларнинг оралиғи тахминан 9-10 верст<sup>33</sup> бўлган бўлса, бошқа жойларда бир қудуқ билан иккинчи қудуқнинг орасидаги масофа 15-20 верстни, ҳатто ундан кўпроқни ташкил этган<sup>34</sup>. Шунингдек, худуддаги қудуқларнинг чуқурлиги ҳам табиий шароитлардан келиб чиқиб, бир-биридан кескин фарқ қилган. Агар тоққа яқинроқ жойларда жойлашган қудуқларнинг чуқурлиги 2-3 саржин<sup>35</sup> бўлса, чўлнинг ички худудларидаги қудуқларнинг чуқурлиги 45 аршингача<sup>36</sup> бўлган<sup>37</sup>.

Қудуқлардаги сув умумий мулк ҳисобланиб, ундан барча фойдаланиши мумкин бўлган<sup>38</sup>. Шунга қарамай, айрим қудуқлар шахсий мулк ҳисобланиб, ундан фақат қудуқнинг эгасигина фойдаланган. Мирзачўл аҳолисининг баъзилари бир қанча қудуқларга эга бўлиб, улар вақти-вақти билан бирдан иккинчисига кўчиб юрган<sup>39</sup>.

Худудда қадимда Туятортар, Қарой, Мурзаработ, Менликул, Ўғуз, Шохат ва Ўрумбой-Ўғуз<sup>40</sup> каби ариқ ҳамда каналлар мавжуд бўлган<sup>41</sup>. Бундан ташқари, XIX аср охири – XX аср бошларида бир нечта ариқлар маҳаллий аҳолининг дехқончилик ерларини сув билан таъминлаб турган<sup>42</sup>.

Мирзачўл Ўрта Осиёда суғориш мумкин бўлган ягона чўл бўлган<sup>43</sup>. Шу сабабли Россия империяси ҳукумати ушбу худудни ўрганишни ва суғориш орқали ўзлаштиришни мақсад қилади. Мустамлака маъмурияти маҳаллий ариқ излари орқали сув чиқаришга уриниб кўради. Жумладан, 1871 йилда Н. Ульянов ўзининг Мирзачўлни Сирдарё орқали суғориш лойиҳасини мустамлака маъмуриятига тақдим қилади. Унга кўра, янги канал Мирзачўлнинг Мурзаработ ва Жиззах–Сардоба деб номланувчи худудларнинг ўртасигача бориши ва маҳаллий ариқлардан ҳисобланган Қарой ва Мурзаработ ариқлари билан туташтирилиши режалаштирилган. Бу режа йил давомида жами 40 000 десятина ерни суғориш имконини берар эди<sup>44</sup>. Бундан ташқари, мустамлака маъмурияти Туятортар ва Ўрумбой ариқларини қайта тиклашга уринади,

<sup>33</sup> Узунлик ўлчови. 1 верст 1066,781 метрга тенг.

<sup>34</sup> Пельца В. Очерк Южных Кызылкумов. – Самарканд, 1912. – С.13,15.

<sup>35</sup> Саржин – узунлик ўлчови. 1 саржин 2,1336 метрга тенг.

<sup>36</sup> Аршин узунлик ўлчов бирлиги. 1 аршин 0,7112 метрга тенг.

<sup>37</sup> Пельца В. Очерк Южных Кызылкумов. – Самарканд, 1912. – С.10, 12.

<sup>38</sup> Пален К.К. Орошение в Туркестане. Отчет по ревизии Туркестанского края. – Санкт-Петербург, 1910. – С.129.

<sup>39</sup> Пельца В. Очерк Южных Кызылкумов. – Самарканд, 1912. – С.11.

<sup>40</sup> Мазкур каналнинг иккинчи номи Ўрумбой-Мирзо бўлган.

<sup>41</sup> Караваев В.Ф. Голодная Степь въ ея прошломъ и настоящем. Статистико-экономический очерк. – Санкт-Петербург: Типо-Литография Н.Л.Нарькина, 1914. – С. 11-14; Материалы по землепользованию туземного кочевого населения района Голодной степи и прилегающих местностей Ходжентского и Джизакского уездов Самаркандской области. – Ташкент, 1914. – С. 30.

<sup>42</sup> Материалы по землепользованию туземного кочевого населения района Голодной степи и прилегающих местностей Ходжентского и Джизакского уездов Самаркандской области. – Ташкент, 1914. – С. 29.

<sup>43</sup> Понятовский С. О колонизационной емкости Туркестана. Переселенческие партии и их задачи // Туркестанское сельское хозяйство. – 1906. – № 10. – С. 3.

<sup>44</sup> Караваев В.Ф. Голодная Степь в ее прошлом и настоящем. Статистико-экономический очерк. – Санкт-Петербург: Типо-Литография Н.Л.Нарькина, 1914. – С.24.

бирок бу ҳаракатлар муваффақиятсизликка учрайди<sup>45</sup>.

Ушбу бобнинг *учинчи параграфида* мустамлака даврида Мирзачўл худудида маъмурий бирликларнинг ташкил этилиши ва ушбу ҳолатнинг ер-судан фойдаланиш тартибига кўрсатган таъсири таҳлил қилинади.

1886 йилда чиқарилган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ҳар бир уезд участка, волост ва қишлоқ ёки овул жамоаларига бўлинган. Маъмурий бирликлар тақсимланиши унинг майдони, аҳолиси ва бошқа маҳаллий шароитларга<sup>46</sup> кўра амалга оширилган<sup>47</sup>. Шунингдек, кўчманчи аҳоли яшовчи волостларни ташкил этишда маҳаллий шароит ва аҳолининг қишки манзилгоҳлари жойлашувига ҳам эътибор берилган<sup>48</sup>. Ўтроқ аҳоли яшовчи қишлоқ жамоалари битта ёки бир неча майда, бир-бирига яқин, ер ва ариқдан фойдаланиш бўйича умумий хўжаликка эга қишлоқлардан таркиб топиши лозим бўлган<sup>49</sup>.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, маъмурий-худудий бирликларнинг ташкил этилишида аҳоли сони ва ер-судан муносабатлари инобатга олинishi лозим бўлган. Бирок, архив ҳужжатларида келтирилишича, Мирзачўлда маъмурий бирликлар асосан аҳоли сони асосида ташкил этилиб, ер-судан фойдаланиш масаласи ҳисобга олинмаган, натижада ер-судан фойдаланишда муаммолар вужудга кела бошлади.

Хусусан, 1888 йил майда Боғдон участка пристави Жиззах уезди ҳокимига Нақрут волостининг Гараша ҳамда Илонли қишлоқ жамоаларининг ҳолати бўйича маълумот юборади<sup>50</sup>. Мазкур маълумотга кўра, Илонли қишлоқ жамоаси 171 та ҳовлидан, Гараша қишлоқ жамоаси 457 та ҳовлидан иборат бўлиб, бу ҳовлиларнинг сони жиҳатидан номутаносибликни келтириб чиқарган. Хўжалик ишларини яхшилаш ва маҳаллий маъмурият томонидан солиқлар миқдорини тўғри тақсимлаш зарурияти мазкур икки қишлоқ жамоаларининг қайтадан тақсимланишига сабаб бўлган<sup>51</sup>. Натижада 1888 йил октябрда мазкур қишлоқ жамоалари қайта бўлинади<sup>52</sup>.

Бундай қайта тақсимлашлар фақатгина ўтроқ аҳоли яшовчи волостларда эмас, балки Мирзачўлнинг кўчманчи аҳоли яшовчи волостларида ҳам бўлиб ўтган. Жумладан, 1898 йилда 9 та овул жамоасидан иборат Қизилқум волости майдонининг катталиги волостни маъмурий бошқариш ва хўжалик юритиш жиҳатидан ноқулайликлар келтириб чиқарган<sup>53</sup>. Натижада, 1904 йил июнда Самарқанд вилоят ҳарбий губернатори «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги Низомнинг 109, 110, 112, 222 ва 238-бандлари асосида

<sup>45</sup> Караваев В.Ф. Голодная Степь въ ея прошломъ и настоящем. Статистико-экономический очерк. – Санкт-Петербург: Типо-Литография Н.Л.Наръекина, 1914. – С. 13; Абдунабиев А.Ф. Мирзачўлни ўзлаштириш тарихидан. – Тошкент, 1959. – Б.11.

<sup>46</sup> Ҳужжатлар таҳлилидан кўринадики, маҳаллий шароит деганда кўпроқ аҳолининг ер ва судан фойдаланиш масаласи назарда тутилган.

<sup>47</sup> Положение об управлении Туркестанского края. Том II. Часть 2. – Санкт-Петербург, 1886. – С. 9-15.

<sup>48</sup> Ўша жойда. – Б. 15.

<sup>49</sup> Ўша жойда. – Б. 11.

<sup>50</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 840-иш, 8-8 – варақ орқаси.

<sup>51</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 840-иш, 12-варақ.

<sup>52</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 840-иш, 10-24 варақлар.

<sup>53</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 511-иш, 12-варақ.

Қизилқум волостини иккига бўлиш тўғрисида буйруқ чиқаради<sup>54</sup>.

Маъмурий-худудий ўзгаришлар натижасида вужудга келган ер-сувдан фойдаланиш муаммоларини ечиш ташаббуси маҳаллий аҳоли томонидан чиққан. Хусусан, 1914 йилда Зомин волости бошлиғи участка приставига хат йўллаб, Зомин қишлоқ жамоасини иккига бўлиш кераклиги тўғрисида маълум қилади<sup>55</sup>. Унинг маълумотномасида Зомин қишлоқ жамоасининг Зомин, Қайирма ва Қорасиркали қишлоқ фуқаролари ўзлари алоҳида қишлоқ жамоаси бўлиб чиқишини хоҳлаётганлиги ёзилади. Ушбу қишлоқларни маъмурий-худудий жиҳатдан қайта тақсимлашнинг энг муҳим сабаби мазкур «уч қишлоқ бир-бирларига жамоа ерлари аралашиб бир ариқдан сув ичиб» туриши ҳамда уларнинг ҳаммалари қариндош эканлиги билан асосланган<sup>56</sup>. Чунқайма қишлоғида яшовчи фуқароларнинг ерлари Зомин, Қайирма ва Қорасиркали қишлоқ фуқароларининг ерлари билан аралаш ва чегарадош бўлган. Бундан ташқари, ушбу қишлоқларнинг ерлари бир ариқдан суғорилган<sup>57</sup>. Шу сабабли Чунқайма қишлоқ фуқаролари ҳам Зомин қишлоқ жамоаси таркибига кириштиришни сўраб, Жиззах уезд ҳокимига хат ёзади<sup>58</sup>. Бироқ, уезд бошлиғи Зомин участка приставига мазкур қишлоқ жамоасини иккига ажратмасликни буюради<sup>59</sup>. Чунки бу вақтда Зомин қишлоқ жамоасида жами 393 та ҳовли мавжуд бўлиб, бу иккита қишлоқ жамоасини ташкил қилиш учун камлик қилар эди.

**«Мустамлака аграр сиёсати ва унинг анъанавий ер муносабатларига таъсири»** номли иккинчи бобнинг *биринчи параграфида* XIX аср охири – XX аср бошларида аграр сиёсат меъёрий асосларидаги ўзгаришлар хронологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Россия империяси Туркистон худудини эгаллагандан сўнг ўлкадаги аграр тармоқни ўзининг манфаатларига мослаштиришга ҳаракат қилди. Шу сабабли дастлабки йилларданок маҳаллий аҳолининг ерга эгалик ва ундан фойдаланиш тартибларини ўрганишни бошлади. Буни амалга ошириш учун махсус комиссиялар тузилди ва улар ер муносабатларига доир янги тартиблар бўйича ўз таклифларини бериб борди. Чунончи, 1868-1884 йиллар давомида М.Н. Николаев, В. Комаров, А.Л. Кун, Ф. Гирс, Н. Игнатъев ва А. Куропаткин кабилар ушбу комиссиялар таркибида фаолият юритди.

Бир қанча тортишувлардан сўнг 1886 йилда «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги Низом тасдиқланади. Ушбу Низом ўлкада ер-сув муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳужжатга айланади. Жумладан, Низомнинг учинчи бўлими ер муносабатларига бағишланган бўлиб, унда шахар ва қишлоқ худудларида ердан фойдаланиш ҳамда унга эгалик қилиш тартиблари бандларга бўлинган ҳолда кўрсатиб ўтилган. Кейинги йиллар давомида 1886 йилги Низомнинг ер муносабатларига оид бандларига бир қанча ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, 1900 йил 10 июнда «Туркистон ўлка-

<sup>54</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 511-иш, 44-45 – varaқлар.

<sup>55</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 1100-иш, 4-варақ.

<sup>56</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 1100-иш, 4-варақ.

<sup>57</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 1100-иш, 10-варақ.

<sup>58</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 1100-иш, 10-варақ.

<sup>59</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 1100-иш, 12-12-варақ орқаси.

сини бошқариш тўғрисида»ги навбатдаги Низом ишлаб чиқилди. 1886 йилги Низомда Туркистон ўлкасининг Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари аҳолиси фақатгина суғориладиган ерларга авлоддан-авлодга ўтиш орқали эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши кўрсатиб ўтилган бўлса, 1900 йилги низомда суғориладиган ерлар билан бир қаторда лалмикор ҳамда «ўлик» ерларга ҳам маҳаллий аҳоли эгалик қилиши ва ундан фойдаланиши мумкинлиги қайд этилган<sup>60</sup>. Бу эса лалмикор ердан фойдаланувчилар ер унга тегишли эканлигини кўрсатувчи ҳужжат қилишига ва ушбу ер учун солиқ тўлашига тўғри келган.

Бу даврда ҳудудда Низомлардан ташқари аграр муносабатларга доир бошқа тартиблар ҳам ишлаб чиқилди. Чунончи, Туркистонда мустамлака маъмурияти томонидан олиб борилган ер-солиқ ишлари<sup>61</sup> анъанавий аграр ва ер муносабатларининг ўзгаришига катта таъсир ўтказган<sup>62</sup>. Ер-солиқ ишлари Мирзачўлнинг асосий қисмини ўзида жамлаган Самарқанд вилоятининг Жиззах ва Хўжанд уездларида 1901-1907 йилларда олиб борилган<sup>63</sup>. Бу тадбирнинг асосий мақсади, бир томондан, ўлкадаги ерларни рўйхатга олиш бўлса, бошқа томондан, барча қишлоқ жамоаларидаги ерларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисобини олиб бориш ва шу орқали солиқ миқдорини белгилашдан иборат эди<sup>64</sup>.

Чўл ҳудудида яшаган аҳолига таъсир қилган тартиблардан яна бири 1910 йилда кўчманчиларнинг «ортиқча ерларини» мусодара қилиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжат бўлиб, у маҳаллий аҳолининг ғазабини келтирган. Чунки маҳаллий аҳоли авваллари чорвачилик учун фойдаланиб келган ерларини мулк сифатида олишни хоҳлар эди. Бу тартиб натижасида чўл ҳудудларида чорвачилик билан шуғулланган чорвадорларнинг аксарияти деҳқончилик қила бошлаган. Шу тариқа, мазкур тартиб мустамлака маъмуриятига бир қанча афзалликлар берди. Жумладан, мусодара қилинган ортиқча ерлар кўчиб келтирилган рус крестьянларига берилди ва кўчманчи чорвадорларни деҳқончиликка ўтказиш имконияти пайдо бўлди<sup>65</sup>.

Мазкур бобнинг *иккинчи параграфида* XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўлда ер турлари ва уларнинг нарх-навоси ҳақида фикр юритилди. Бу даврда Мирзачўлда суғориладиган<sup>66</sup> ҳамда лалмикор<sup>67</sup> ерлар мавжуд

---

<sup>60</sup> Юлдашев А. Аграрные отношения в Туркестане. – Ташкент, 1969. – С.58; Сельско хозяйственный обзор Туркестанского края. – Ташкент, 1911. – С.27.

<sup>61</sup> 1880-1907 йилларда Россия империясининг Туркистондаги ерларни рўйхатга олиш ва солиқ миқдорини аниқлашга қаратилган жараёнлар.

<sup>62</sup> Бу янги тартиб маҳаллий аҳолининг норозилигига сабаб бўлган. Бу тўғрисида батафсил қаранг: Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. (Нашрга тайёрловчилар Воҳидов Ш., Сангирова Д.) – Тошкент, 1999. – Б. 48.

<sup>63</sup> Пален К.К. Поземельное-податное дело. – Санкт-Петербург, 1910. – С. 23.

<sup>64</sup> Penati V. Swamps, sorghum and saxauls: marginal lands and the fate of Russian Turkestan (1880-1915) // Central Asian Survey. Vol. 29, No. 1. – 2010. – P.64.

<sup>65</sup> Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане (конец XIX – начало XX века). – Москва, 1991. – С. 109-110.

<sup>66</sup> Мазкур ер тури ариқ ёки дарё сувлари билан суғориладиган сувли ерларни ўз ичига олган бўлиб, бундай турдаги ерлар «трамайи» деб ҳам аталган (Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – Санкт-Петербург, 1908. – С.60.).



бўлган. Мирзачўлнинг маҳаллий аҳолиси лалмикор ва суғориладиган ерлардан одатда деҳқончилик учун фойдаланган. Бундан ташқари, Мирзачўлнинг катта қисмида ишлов берилмаган ерлар, яъни «ўлик» ерлар ҳам мавжуд бўлган<sup>68</sup>. Ушбу ерлардан асосан яйлов сифатида фойдаланилган.

Мирзачўлда суғориладиган ерларнинг нархлари турлича бўлган. Архив ҳужжатларида бугдой экиладиган суғориладиган ерлар нархлари бўйича маълумотлар мавжуд. Жумладан, Ўзбек волостида бир таноб бугдой экиладиган ер нархи 7 сўмдан 12 сўмгача бўлса, Чашми Об волостида бундай турдаги ер нархи 4-5 сўмни ташкил этган<sup>69</sup>. Работ, Янгиқўрғон, Ём ва Саврук волостларда бугдой экиладиган майдонларнинг нархи арзонроқ бўлиб, бир таноби 3 сўмдан 5 сўмгача бўлган<sup>70</sup>.

Шунингдек, айрим ҳужжатларда лалмикор ерларнинг баҳолари ҳам келтирилиб ўтилган. Лалмикор ерларнинг нархлари Мирзачўлнинг турли ҳудудларида турлича бўлиб, уларнинг энг арзони 1 сўм 20 тийинни, энг қиммати эса 7 сўмни ташкил этган. Хусусан, Синтоб волостида 1 таноб лалмикор ернинг баҳоси 1 сўм 20 тийин, Сангзор, Ём ва Зомин волостларида 3 сўм, Боғдон волостида 4-6 сўм ҳамда Нақрут волостида 5-7 сўм бўлган<sup>71</sup>.

Мирзачўлнинг кўпгина жойларида яйлов ерлар сотилмаган. Жумладан, Работ, Янгиқўрғон, Сангзор, Чашми Об, Ём, Қоратош, Зомин ва Синтоб волостларида яйловлар сотилмаган<sup>72</sup>. Синтоб волостида маҳаллий аҳоли чорвани яйловда боққанлиги сабабли ушбу турдаги ерларнинг сотилмаслиги таъкидланади<sup>73</sup>. XX аср бошларида Сангзор волост бошлиғи ушбу ҳудудда яйловлар сотилмаслигини таъкидлаган, аммо сотилган тақдирда ҳам ернинг нархи 8-12 сўмни ташкил қилишини қайд этган<sup>74</sup>. Бироқ, Мирзачўлнинг айрим жойларида яйловлар сотилган ёки сотиб олинган. Яйловларнинг энг қиммат нархи Жиззах шаҳри атрофларида кузатилган бўлиб, бир ботмон<sup>75</sup> яйловнинг нархи 10-15 сўм бўлган. Боғдон волостида эса бир таноб яйловнинг нархи 3 сўмдан 6 сўмгача бўлган. Саврук ва Ўзбек волостларида яйловларнинг баҳолари бир-бирига яқин бўлиб, уларнинг энг қиммат нархлари 20 сўм ва энг арзонлари 6-8 сўм бўлган<sup>76</sup>.

Айрим манбалар ер олди-сотдиси нима сабабдан амалга оширилганлигини ҳам кўрсатади. Жумладан, Ўзбек волостида 10 йил давомида 14 марта ер олди-сотдиси бўлиб ўтади ва уларда 130,25 таноб ер сотилади. Мазкур 14 та ҳолатнинг учтасида ер эгаси қарзини тўлаш учун, биттаси солиқ тўлаш

---

<sup>67</sup> Ушбу ер яна «бахорикор» деб ҳам номланган. Мустахлак давридаги лалмикор ерлар тўғрисида батафсил қаранг: Penati B. Swamps, sorghum and saxauls: marginal lands and the fate of Russian Turkestan (1880-1915) // Central Asian Survey. Vol. 29, No. 1. – 2010. – P.61-78.

<sup>68</sup> «Ўлик» (ишлов берилмаган) ер деганда чўл, яйлов ерлар, ботқоқ ва қояли ерлар тушунилган. (Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Часть 1. – Санкт-Петербург, 1911. – С. 102)

<sup>69</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 864-иш, 7, 9 – варақлар.

<sup>70</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 864-иш, 14, 16, 17, 19 – варақлар.

<sup>71</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 864-иш, 12, 17, 21, 25, 26 – варақлар.

<sup>72</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 605-иш, 14, 20-22, 24, 27-28, 30-32- варақлар.

<sup>73</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 605-иш, 32-варақ.

<sup>74</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 605-иш, 22-варақ.

<sup>75</sup> Ботмон ер ўлчови сифатида ҳам қўлланилган ва бир ботмон оғирликдаги бугдой уруғи сепилган ерга нисбатан ишлатилган.

<sup>76</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 605-иш, 12, 15, 17, 25 – варақлар.

учун, биттаси тўй харажатлари учун, учтаси жаноза харажатлари учун, биттаси чорва сотиб олиш учун, биттаси аввал тўламай қолган қарзини тўлаш учун, биттаси бошқа кирими бўлмаганлаги учун ва қолган иккитаси кундалик харажатлар учун ерларини сотишга тўғри келган<sup>77</sup>.

Мазкур бобнинг *учинчи параграфид*а анъанавий ердан фойдаланиш тартибидаги ўзгаришлар таҳлил қилинади. Россия империясининг саъй-харажатлари натижасида лалмикор ерлардан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш масаласида янги тартиблар вужудга келди. XIX аср охири – XX аср бошларида ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш икки хил усулда тасдиқланган. Биринчиси, қозилар томонидан берилган васиқа ҳужжатлари бўлиб, у маълум ерга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини берган<sup>78</sup>. Иккинчиси ҳужжатга асосланмасдан, балки фақат оғзаки маълумот ва гувоҳликка асосланган. Ерга ишлов бериш ва янги ерларни очиш орқали ерга эгалик қилиш мумкин бўлган. Жумладан, Сирдарё бўйларида Чордора волостига қарашли кенг жойлар мавжуд бўлиб, бўш майдонлар ҳудудда деҳқончилик қилиш орқали маълум шахснинг ихтиёрига ўтган<sup>79</sup>. К.К. Пален ҳам ўзининг ҳисоботида Мирзачўлнинг Чордора волостида лалмикор ерлар бирон шахс томонидан маълум муддат фойдаланилганидан сўнг унинг мулкига айланганлигини таъкидлайди<sup>80</sup>. Ердан фойдаланиш даври турли ҳудудларда ва турли манбаларда ҳар хил кўрсатилган. Айрим манбаларда бўш ётган ердан фойдаланиш даври 15 йил қилиб кўрсатилган бўлса<sup>81</sup>, бошқа манбаларда бу давр 90 йил деб ҳисобланган<sup>82</sup>. Мустамлака даврида оғзаки гувоҳлик ва хотирага асосланган ер муносабатлари борасидаги мунозаралар юзага кела бошлади ҳамда ҳужжатлаштирилмаган ерларни ҳужжатлаштириш талаб этилди<sup>83</sup>.

XIX аср охири – XX аср бошларида жамоа ерларининг тақсимланиш жараёни тезлашган. 1886 йилги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»-ги Низомнинг 260-бандида жамоа ерларини хусусий мулкка ўтказиш ҳақида таъкидлаб ўтилган<sup>84</sup>. Бу даврда жамоа ерларининг жамоа аъзолари ўртасида бўлиб олинганлиги тўғрисида бир қанча мисоллар мавжуд. Жумладан, XIX асрда Боғдон волости Учма қишлоғи аҳолисининг 40 таноб лалмикор ери мавжуд бўлган ва улар бу ердан жамоа тарзида фойдаланганлар. Бироқ, 1890 йилда Учма қишлоғи аҳолиси Жиззах уезди бошлиғига хат ёзиб, ушбу жамоа

<sup>77</sup> РГИА, 1396-фонд, 1-рўйхат, 242-иш, 40-варақ.

<sup>78</sup> Масалан, Хўжанд уездининг Савот волостида айрим овул-хонадонлар шудгор майдонларига Ўрта Осиё хонликлари даврида берилган «васиқа» орқали эгалик қилган ва бу ҳужжат ушбу ер тўлиқ уларга тегишли эканлигини билдирган (Материалы по землепользованию туземного кочевого населения района Голодной степи и прилегающих местностей Ходжентского и Джизакского уездов Самаркандской области. – Ташкент, 1914. – С. 26.)

<sup>79</sup> Материалы по землепользованию туземного кочевого населения района Голодной степи и прилегающих местностей Ходжентского и Джизакского уездов Самаркандской области. – Ташкент, 1914. – С. 26.

<sup>80</sup> Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Часть 1. – Санкт-Петербург, 1911. – С.106.

<sup>81</sup> ЎзР МДА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 605-иш, 1-12 варақлар.

